

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистондаги авлодлари

Ҳайитов Ш. А. – тарих фанлари доктори,

Раҳмонов. К. Ж. – тарих фанлари номзоди.

Орзиев М. З. – тарих кафедраси II - босқич стажёр, тадқиқотчи, изланувчиси

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, улуғ саркарда ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур (1483 – 1530 йй) Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон тарихида муҳим из қолдирган. З. М. Бобур Соҳибқирон Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо билан тўрт авлод орқали темурийлар сулоласига боғланади. У Ҳиндистонни забт этганидан сўнг (1526 йил апрель) бу мамлакатда янги сулолага асос солиб, унинг авлодлари давлатни 332 йил (1526 – 1858 йй) давомида бошқардилар. Салкам уч ярим асрлик тарихий даврда бобурийлар Ҳиндистон ўлкасида амалга оширган хайрли ишлар тарих зарварақларида абадул – абадга нақшланган. Ҳиндистон тарихида Англия мустамлакачиларига қарши 1857 – 1859 йилларда кўтарилган сипоҳийлар кўзғолонини бостирган инглизлар сўнгги бобурий ҳукумдор Баҳодиршоҳ Зафарни тахтдан тушириб, уни Рангун (Бирма) га сургун қиладилар. Рангун сафари даврида мустамлакачиларнинг зобитлари томонидан Баҳодиршоҳ II фарзандлари отиб ташланади. Кўп йиллар давомида З. М. Бобурнинг авлодлари ҳақида маълумотлар мавжуд эмасди. Бироқ истиқлол йилларида Захриддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва унинг илмий, тарихий ва адабий меросини ўрганишга эътибор кучайди. Бу савобли иш йўлида 1992 йилнинг июль ойида шоҳ ва адиб таваллуд топган Андижонда З. М. Бобур номи билан халқаро жамғарма ташкил этиш ташаббуси кўтарилди. 1993 йил 23 декабрда ушбу жамғарма расман ташкил этилиб, унинг раиси табиатшунос олим Зокиржон Машрабов ҳисобланади. Ушбу жамғарма аъзолари “Бобур изидан” илмий сафарга чиқдилар, улар Ҳиндистон ва ўнлаб Шарқ мамлакатларида бўлдилар. Уларнинг саъй

ҳаракатлари туфайли З. М. Бобур ва бобурийлар тарихига оид бой илмий маълумотлар тўпланди янги асарлар яратилди¹.

Ушбу йўналишда илмий экспедицияларнинг фаол қатнашчиси, тарих фанлари доктори, профессор Р. Т. Шамсутдинов 1993 йилнинг 15 апрелида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Бобур авлодлари борми?” номли мақоласини чоп эттирди. Мақолада қайд этилишича Ҳиндистоннинг пойтахти Дехли шаҳрида охириги бобурий султон Баҳодиршоҳ Зафар авлодларидан Покиза Султон бегим истиқомат қилади. У Дехлидаги хорижий мамлакатлар билан алоқа қилиш Ҳиндистон ташкилотидаги катта кутубхонада нафақага чиққунча директор лавозимида фаолият юритган. Покиза Султон Бегимнинг онаси Қамар Жаҳон Зебунисо оро Бегим 92 ёшида вафот этган. Ушбу аёл Ҳиндистонда бобурийлар тарихи ва маданиятини тарғиб қилган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, Баҳодиршоҳнинг барча ўғиллари инглизлар томонидан ўлдирилади. Бироқ 5 яшар ўғли Мирзо Фотиҳ – ул – Мулк шоҳнинг содиқ амалдорлари ва хизматкорлари томонидан калин ўрмонга яширилиб, ўша жойда тарбияланади. Қамар Жаҳон Зебунисо Бегим Фотиҳ – ул – Мулк авлоди бўлиб, инглиз қироличаси Ҳиндистонга ташриф буюрганда мўғуллар (бобурийлар) маликаси сифатида тантанали қабул маросимига таклиф этилган. Жаваҳарлал Неру ва Индира Гандилар Лаъл қалъада, яъни Баҳодиршоҳ Зафар таваллудининг 100 йиллиги нишонланганида уни қутлашган. 30 йил давомида фалаж бўлиб, ногиронлар аравачасига михланиб қолган бўлсада, Қамар Жаҳон Зебунисо Бегим руҳан чўкмаган, жамоатчилик фаолиятидан тўхтамаган².

З. М. Бобур авлодлари тарихини ўрганиш масаласи юқоридаги маълумотлар билан тугамайди. Аксинча, келтирилган далиллар бу мавзунини янада мукамалроқ тадқиқ қилишга туртки бериши мумкин. Ўзбекистон Республикаси

¹ ЎзМРДА М – 2 – фонд, 1 – рўйхат 215 – ҳужжат, 34 – Ҳужжат. Очилов Э. Бобур (Рисола). – Т.: “ABV MATBVOT - KONSALT” 2011. – Б. 24 – 25.

² Қаранг. Шамсутдинов Р. Бобур авлодлари борми? // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” 1993 – йил, 15 – апрель. Хайриддин Султон. Бобурийнома (Маърифий роман) Т. : “Шарқ” 1997. – Б. 409 – 410.

Марказий давлат архив фондларидаги ҳужжатлар билан танишар эканмиз, бир қатор бу йўналишдаги маълумотларга дуч келдик. 1970 йилларда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод ва Бомбей шаҳарларида истиқомат қилган муҳожир ўзбеклар томонидан маданий – маърифий жамиятлар тузилган. “Ҳиндистон Мўғуллар жамияти” Ҳайдаробод шаҳрида ташкил этилган³” - деган фикрлар келтирилади архив ҳужжатларининг бирида.

Маълумки Ҳайдаробод - Ҳиндистоннинг энг жанубида жойлашган вилоятларидан бири бўлиб, ушбу ҳудудда уч миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. “Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи” жамиятининг қароргоҳи Ҳайдарободда бўлиб, уларнинг ҳовли эшигига оилавий мансубликни англатадиган нишон – лавҳа ёпиштириб қўйилган. Бобурийзодалардан Бегим Соҳиба Лайло Уммахони – жамият раисаси, Баҳодиршоҳ Зафарнинг эвараси, бош фарзанди Зиёвуддин Тусий – жамият бош котиби, иккинчи ўғли - Масиҳиддин Тусий – жамиятнинг маданий ишлар бўйича котиби ҳисобланади. Шунингдек, Лайло Уммахонимнинг қизлари, келинлари ва набералари жамият аъзолари сифатида Ҳиндистонда бобурийлар маданиятини тарғиб қиладилар.

1995 йилнинг кузида “Бобур халқаро жамғармаси” аъзолари ушбу хонадонга ташриф буюрганларида Лайло Уммахони хонимга ўзбекона нақшлар билан безатилган пахта гулли чойнак – пиёла, хонадон аҳлига президент совғаси – Ҳазрат Алишер Навоий сиймоси туширилган ипак гилам, ўзбекона саруполар, З. М. Бобур асарларидан “Мубаййин” нинг бешинчи қисми “Китоб – ул - ҳаж”, “Бобурнома” , бобокалонимиз тасвири туширилган плакат ва кўкрак нишонларини эсдалик сифатида тухфа қилишган. Хонадаон ва жамият аъзоларининг моддий аҳволи бир қадар

³ ЎзМРДА Р – 2822 – фонд, 1 – рўйхат, 88 – ҳужжат, 17 – варак. (Изоҳ. Ҳиндистонда шимолдан келган фотиҳларни бир ном билан, яъни “Мўғуллар” деб аташган. Шунинг учун З. М. Бобур асос солган сулола ҳам “Буюк Мўғуллар сулоласи” деб расмий адабиётларда юритилади. “Ҳиндистон Мўғуллар жамияти – Бобурийлари деган” ном билан аталганлиги архив ҳужжатларида учрайди. Ҳиндистондаги Мўғуллар сулоласи тушунчаси ҳам мавжуд).

оғирлиги жамият раисаси Лайло Уммахонни саломатлигининг ёмонлашганлиги туфайли Республика президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон ҳукумати номидан 2500 АҚШ доллари миқдорида бобурийларга моддий ёрдам кўрсатдилар. Бу эса бобурийларга билдирилган юксак ҳурмат ва эътибор намунаси бўлди.

Лайло Уммахоннининг маълумотича Баҳодиршоҳнинг Мирзо Қуёш номли бир ўғли тасодиф туфайли тирик қолади. Ундан Мирзо Абдуллох, Абдуллохдан Мирзо Абдулғаффор, Мирзо Абдулғаффордан Мирзо Юсуф исмли ўғил ва икки қиз – Ҳуснижаҳоноро Бегим ва Уммахонилар дунёга келган. Мирзо Юсуф 19 ёшда вафот этган. Демак, Лайло Уммахонининг шажараси тўғридан – тўғри Баҳодиршоҳ Зафарга, ундан З. М. Бобурга бориб тақалади.

Лайло Уммахони турмуш ўртоғи билан тўрт ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга етказган. Муиниддин Тусий ва Лайло Уммахонилардан Зиёвуддин, Масиҳиддин, Шажоъиддин, Орифиддин каби ўғиллар, Моҳирух, Гулрух, Лайлорух каби қизлар таваллуд топган. Бобур авлодлари Ҳиндистондан ташқари Покистон, Бирлашган Араб амирликлари, Бангладеш, Афғонистон, Араб мамлакатлари, Буюк Британияда ҳам истиқомат қилар экан⁴. Тусий номига келсак, араб ва инглиз тиллари билимдони, “Ватан” жамиятида фаолият юритган, кейинчалик элчилик вазифасида ишлаган Аҳмаджон Луқмонов талқинича бу Эроннинг Тус шаҳрига мансубликнинг ишораси эмас, балки “Чустий” номи лексиконида кейинчалик “Тусий” бўлиб кетганлигидандир.

“Ҳиндистон мўғуллар жамияти” аъзолари 1994 – йилнинг январь – февраль ойларида илк бор улуғ бобокалонлари юрти З. М. Бобур ватанига ташриф буюрдилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Халқаро Маданий Алоқалар Миллий Ассоциациясида (Ўз ХАМА) турли ташкилот ва

⁴ Қаранг. Хайриддин Султон. Бобурийнома... – Б. 265 – 266, 272 – 273, 283 – 289, 290 – 292, 386 – 387.

корхоналарда бўлдилар ва аجدодлари юртидаги ўзгаришлардан воқиф бўлдилар. Ассоциация билан жамият ўртасида 1994 – 1998 йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорликнинг битим лойиҳаси имзоланди. Натижада Рамазон ва Қурбон ҳайити ҳамда Наврўз байрамларида ўзаро табрикномалар, мактубий алмашинувлар йўлга қўйилди. Шунингдек, “Ҳиндистон мўғуллар жамияти” манзилига Ўзбекистондан “Ойдин”, “Ўзбекистон - контакт” каби матбуот органлари юбориб туриладиган бўлди⁵.

1996 йилнинг май ойида “Ҳиндистон мўғуллар жамияти” нинг бош котиби Зиёвуддин Тусий ва ташкилот маданий ишлар маслаҳатчиси Масиҳиддин Тусийлар Ўзбекистонда бўлдилар. Ўз ХАМА да, 1996 йил 8 – майда ўтказилган қабул маросимида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров ҳам иштирок этди. З. М. Бобур ва унинг авлодлари Ҳумоюн, Акбаршоҳлар ҳақида фундаментал асарлар, тарихий романлар ёзган адиб лотин имлосида чоп этилган асарларини Зиёвуддин Тусийга тақдим этди. Ўз навбатида Зиёвуддин Тусий Баҳодиршоҳ Зафардан қолган бир қатор қўлёзма асарларни ўзбекистонликларга тўхфа қилди. “Ҳиндистон мўғуллар жамияти” – “Бобурийлар уйи” билан Ўз ХАМА ўртасида 1996 – 2000 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик битими имзоланган⁶.

“Ҳиндистон мўғуллар жамияти” бош котиби Зиёвуддин Тусий 1990 йилларнинг иккинчи ярмида махсус ташкилотларига, ҳукумат муассасаларига бир қатор мактублар билан мурожаат қилди. Ушбу мактубларда Тусийлар З. М. Бобур авлодларидан бўлганлиги учун Ҳиндистондаги Бобур билан боғлиқ маданият ва санъат ёдгорликларидан бўлган мерос сифатида уларга ажратиб беришлари учун кўмаклашиш, моддий аҳволлари паст бўлганлигини ҳисобга олиб, Тусийлар оиласини Ўзбекистонга бепул ташрифини ташкил этиш, улар фарзандларини Ўзбекистонда ҳеч бўлмаса Андижондаги ўқув юртларида текин ўқишларига

⁵ ЎЗРМДА, М – 2 – фонд, 1 – рўйхат, 116 – ҳужжат, 6 – варақ; 214 – ҳужжат, 7 – варақ.

⁶ ЎЗРМДА, М – 2 – фонд, 1 – рўйхат, 215 – ҳужжат, 24, 25, 26 – варақлар.

имкон яратиш каби фикрлар илгари сурилган⁷. Тегишли ташкилотларимиз томонидан мазкур мактубларга кониктирувчи жавоб қайтарилган.

Ўз ХАМА, Ўзбекистондаги Ҳиндистон элчихонаси, Ўзбекистон Республикаси олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, З. М. Бобур ва Мирзо Улуғбек жамғармалари каби муассасалар ҳамкорлигида Тусий хонадонига амалий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилди. “Ҳиндистон Мўғуллар жамияти” раисаси Лайло Уммахони Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каримовга ўзининг чуқур эҳтиром ва миннатдорчилик изҳори битилган мактубини йўллади. Ушбу мактубни ўз ҳолича келтиришни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига!

Сиз, Жаноби Олийлари, ва буюк ўзбек халқи беморлик давримда кўрсатган олийжаноблик ва меҳр – муҳаббат менда чуқур таассурот қолдирди. Шунингдек, мен Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси ва элчихона ходимларига бизга кўрсатган ғамхўрликлари учун ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ҳозир, саломатлигим тиклангандан сўнг, ўтаётган ҳар бир дақиқа менга Сизнинг Ҳиндистондаги Бобурийларнинг ҳозирги авлодлари билан узвий боғлиқлигини эслатмоқда. Оиламизнинг олти нафар ёшлари бепул таълим олишларига Ўзбекистон ҳукумати берган махсус диққат – эътибор учун мен, Сиз, Жаноби Олийларига миннатдорчилик билдиришни ўз бурчим деб ҳисоблайман. Мен ҳазрат Бобур авлодларига қилган олийжаноблиги учун ҳукуматингизга юксак миннатдорчилик билдираман.

Ҳозир соғлиғим анча яхшиланиб, ҳазрат Баҳовутдин Нақшбандий, имом Бухорий, Термизий муқаддасгоҳлари ва Андижондаги Бобур музейини зиёрат этиш ва шунингдек Ўзбекистон тимсоли бўлган улуғ бобокаонларимиз ҳазрат Темур, Бобур, Мирзо Улуғбек ва Навоийларнинг қудратли диёрига

⁷ Ўша архив; 154 – ҳужжат, 7, 8 – варақлар.

бориш истагидаман. Ўйлайманки, менинг орзу ниятларим ҳақиқатга айланади⁸.

Бегим Лайло Уммахони

Зиёвуддин Тусий билан олиб борилган мактубий алмашинувлар натижаси ўлароқ “Ҳиндистон мўғуллар жамияти” аъзолари ота – боболари юртига бир неча бор ташриф буюрдилар улар республика пойтахти Тошкент шаҳрида, тарихий шаҳарларимиз ҳисобланган Самарқанд, Бухоро ҳамда З. М. Бобурнинг она шаҳри – Андижонда бўлдилар. З. М. Бобурнинг авлодларига Андижондаги Боғи Бобурни, шоир рамзий қабр мақбарасини, Бобур ва жаҳон маданияти музейи ҳамда адиб ҳайкалини зиёрат қилишдек бахтга муяссар бўлди. Андижонда Бобур номида Университет фаолият юритаётганлиги, шаҳар марказий кўчаларидан бири адиб номи билан аталиши, Тошкентдаги истироҳат боғи ва кўчага ҳам юртдошимиз номи берилганлиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Бобур номи билан медал таъсис этганлигини бугунги кунда Ҳиндистонда ҳаёт бўлган бобурийларнинг калбини фахр ва ғурурга тўлдирди.

Биз қуйида Ўзбекистон ўқув юртларида таълим олиш учун юборилган Ҳиндистонлик бобурийлар рўйхатини келтираиз⁹.

Т/р	Исми ва фамилияси	Паспорт номери	Туғилган вақти	Қуйидаги касб эгаси бўлиш истагида
1	Мингҳожиддин Тусий	Q504699	01.08.1976	Врач (Хирург)
2	Муҳаммад Абдул Шамил	G819390	02.04.1964	Инженер

⁸ ЎЗМРДА М – 2 – фонд, 1 – рўйхат, 155 – ҳужжат 56 - варак

⁹ Ўша архив. 155 – ҳужжат, 51 – варак.

3	Муҳаммад Абдул Одил	G402.238	02.01.1970	Инженер
4	Муҳаммад Муаззам	H: 671456	07.05.1975.	Стоматолог
5	Муҳаммад Аброр	O: 860645	28.08.1977	Врач (Хирург)
6	Муинниддин Тусий	V: 403801	02.12. 1985	Ўрта мактаб ёки интернатда Ўзбек тилини ўрганиш

Ўзбекистондаги ҳукумат идоралари ташкилот ва уюшмалар, жамғарма ва хайрия муассасалар юртимизда ўқиш истагини билдирган бобурийларни текин яшаш жойи стипендия ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

“Улуғбек” жамғармаси “Бобурийлар уйи” жамияти аъзоси, Ҳиндистон фуқароси Муҳаммад Аброрнинг ота – онаси моддий имкониятлари чекланганлигини инобатга олиб, 1995 – 1996 ўқув йилида унга хайрия жамғармаси стипендиясини ажратди. Ҳатто, унинг июнь, июль, август ойларида чэт эллик фуқароларга тил ўргатиш марказида ўқиши учун 9 минг сўм миқдорда хайрия жамғармаси стипендияси берилди¹⁰ - дейилади архив ҳужжатида.

Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари тил ўрганиш марказлари, тайёрлов курслари олти нафар ҳиндистонлик ватандошларни ўзлари танлаган

¹⁰ Ўша архив , 232 – ҳужжат, 43 – 44 варақлар.

мутахасислик бўйича бепул таълим олишлари учун қабул қилишга тайёр эканликларини изҳор қилганлиги – З. М. Бобур шахсиятига бўлган юксак эҳтиром ва ҳурмат рамзидир.

Хуллас бу мавзуда мукаммалроқ илмий тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж бор деб ўйлаймиз. Бобурийлар ташкилотлари бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам мавжуд эканлиги маълум.

